Она юртинг — олтин бешигинг

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган | № 3 (65976) 1997 йил, 8 январь, чоршанба | Сотувда эркин нархда

Муҳаррир минбари

ЎЗЛИГИНГНИ АНГЛА, БОЛАЖОН!

1997 йилнинг бизга ошкор бўлмаган сирларга, орзуларга тўла кунлари бошланди.

Ҳар бир йилни яхшилик, адолат билан бошласак, у йилданда хайрли ва баракали йил бўлмагай.

Болажон, сенинг ҳаёт ҳақидаги жажжи тассаввурларинг шу қадар ёруғки, унда фақат байрамлар ва энг бахтли кунлар яшайди. Биз сенинг жажжи тасаввурингдаги ҳаёт суратини тўлдирмоқчимиз. Ҳаёт байрам ҳам ёки сен қўрқадиган ялмоғизнинг уйи ҳам эмас, балки фақат ўзинг яратишинг мумкин бўлган энг бахтли ва энг ёмон кундир. Ҳар кунинг байрамдай ўтиши учун сен атрофингдаги одамларнинг кўнглини топгин, умр саодатини англа.

Мустакилликка эришгунга қадар руҳимизни ўлдиришга чоғланган зулм панжалари зарбини ҳануз эслаймиз. «Партия аъзоси» деган қизил байроқ остида худбинлик ва кўзбўямачиликлар илдиз отиб кетган эди. Миллий қадриятларимиз масхара қилинган, қадрсизлантирилган. Тарихий обидаларимиз, масжидларимиз турли хил ёлғон баҳоналар билан бузиб ташланган. Ҳамма ўзини танишга, юрагида ёнаётган сўзни айтишга қўрқарди.

Суфи Оллоёрнинг бир ғазалини ўқиб, айтиб бергани учун 7-синф ўқувчиси шу куннинг ўзидаёқ мактабдан ҳайдалгани ҳам рост. Шукрки, истиқлол муносабати билан йўқотган кўп нарсаларимизни қайта тикладик, руҳимиздан ғуборлар кетди. Бугун озодликнинг зангор ҳаволаридан нафас олаётган болажон, ўзингни англаш, маънавият жавҳари дунёсидан ўз улушингни олиш пайти келди. Ҳаёт ўз ҳолича ҳеч нарсани англатмайди, ҳаётнинг қиммати уни қандай яшай билиш билан боғлиқдир. Сен шундай яшагинки, умринг йиллар билан эмас, килган хайрли эзгу ишларинг билан ўлчансин.

Бутун дунёга танилиб бораётган Ўзбекистонимизда қийинчиликлар бўлиши табиий. Аммо улар ўткинчидир. Яқинда бойсунлик оддий қишлоқ ўқитувчиси Рамазон Абдуллаев ўз ҳисобидан мактаб қурганини эшитиб, беҳад қувондим. Қадимдан «Олтин олма, дуо ол» деган ҳикмат бежизга бизгача етиб келмаган. Ўз меҳнати эвазига қанчадан-қанча одамларнинг кўнглини топган ўқитувчининг бу улуғ иши унинг келажак йўлларини равон қилади, халқнинг савоби эса икки дунёсини обод қилади. Айни пайтда касалхонада дори-дармонларнинг, тўшак-чойшабларнинг етишмаслиги сир эмас. Қанийди, Рамазон Абдуллаевга ўхшаган халқ дардини ўз дарди деб билган одамлар орамизда кўпайса-ю, миллатнинг кунига яраса улар. Баъзи касалхоналарнинг етишмовчилигига қарашса улар!

Азиз болажон! «Ҳаёт менинг қўлимга бир лаҳзага берилган шаъм, —дейди донишмандлардан бири. — Мен уни келажак авлодга тутқазишдан олдин мумкин қадар ёруғроқ аланга олдиришга мажбур этаман».

Сенинг қўлингдаги ҳаёт шаъми ниҳоятда ёруғ. Зеро, бу ёруғликда боболарнинг орзулари, армонлари, курашлари бор. Сен бу шаъмга хиёнат қилмаслигинг керак. Халқингнинг, Ватанингнинг кунига ярагувчи ҳиммат эгаси бўл. Шунда халқинг тўқ, Ватанинг обод бўлади.

Меҳр, оқибат, ўзликни англаш ҳақида гап кетганида бир афсона ёдга тушади:

Қадим замонда хайр-саховатли, адолатпарвар бир чол яшаган экан. У ўзидан ёрдам сўраб келган одамни қуруқ жўнатмас, қўлидан келганча кўмаклашаркан. Чолнинг уч ўғли ва уларга атаган икки ҳовли-жойи билан гўзал бир боғи бор экан. Бир куни чол : — Ўғилларим, мен энди қаридим, кўзим тириклигида боғ ва ҳовлини сизларга топширмоқчиман. Ўзаро келишиб, бўлишиб олинглар, — деди. Ўғиллари келиша олмади. Ҳаммаси боғни талаб қилишди. Шунда чол: «Кимки дунё кезиб менга энг қимматбаҳо тошни олиб келса, боғни ўшанга бераман», — деди. Олти ойдан сўнг тўнғич ўғли ёқут тош билан, ўртанча ўғли эса дур тош олиб қайтибди. Чол уларнинг қўлидаги қимматбаҳо тошларни эътироф этиб: «Энди укангизни келишини кутайликчи», — деди.

Энди гапни кенжа ўғилдан эшитинг: У узоқ йўл босиб, кўрмаганларини кўрди, фақат қимматбаҳо тошни тополмади. Уйга умидсиз, тушкун қайтиб келаётган-эди, йўл устидаги эски кулбада йиғи-сиғи овозлари эшитилди. Йигит уйга мўраласа, 3-4 та ёш бола ота-онаси билан ўртада ўлиб ётган сигир устида тинимсиз кўз ёши тўкишарди. Камбағал оиланинг сўнгги чораси бўлган сигирнинг ўлими катта кулфат эканлигини англаган кенжа ўғил бу оилага тирикчилик учун озиқ-овқат, катта бир сигир олиб беради. Бундай мурувватдан бошлари кўкка етган бутун оила йигитни қучиб, кўз ёш тўкишади. Кенжа ўғил отаси ҳузурига кириб келаркан:

«Отажон, қимматбаҳо тошни тополмадим», — дейди. Шу пайт зийрак ота ўғлининг елкасида ёнаётган миннатдорчилик ёшларини пайқаб қолади. Ўғил бор воқеани айтиб бергач, ота хурсанд бўлиб: «Эй, ўғлим, энг қимматбаҳо тош, сенинг елкангдаги, умрингни безагувчи севинч ёшлари-ку, бундан қимматбаҳороқ нима бор дунёда», — дейди ва гўзал боғни мурувватли, адолатпарвар кенжа ўғлига совға қилади.

Биз нега келтирдик бу афсонани? Сен ҳам ўзлигингни англа, болажон, демоқлик учун. Ўзгалар ғамида ёнмоқлик учун ҳам ўзни англамоқлик керак,— деб айтмоқлик учун! Ахир Навоий бобомиз

Одами эрсанг, демагил, одами,
Ониким йўқ, халқ ғамидин ғами

деб бежиз айтмаганини эслатмоқлик учун!

УКАМНИНГ ОЛДИДА УЯЛИБ ҚОЛДИМ

Аяжоним янги йил байрамига ишхоналаридан бизга таклифнома олиб келганларида хурсанд бўлганимдан «ур-ра» деб юборганимни билмай қолдим. Арча байрами матбуотчилар уйида булар экан. Эрталаб у ерга ошиқиб борар эканмиз, укам Алишерга: «Ҳали кўрасан, шунақа зўр арча базми бўлади, оғзинг очилиб қолади», — деб ўзимча билагонлик қилдим.

Афсуски, байрам бўлаётган жойга етиб келиб, кайфиятим бузилди. Шунчаки, номига тикка қилиб қўйилган арча атрофида масхарабоз, куёнвойлар айланиб юришар, булар-булмасга биз тушунмаган тилда болаларга қаратиб нималардир деб кулишарди. Қорқиз ҳам, Қорбобо ҳам ўзимизнинг ўзбекча Қорбобо, Қорқизга мутлақо ўхшамасди. Ҳаммасига чидаш мумкин эдику-я, аммо арча атрофидаги болалар ўзимизнинг ўзбекча қўшиқларимиз, куйларимиз йўқдек, тинимсиз чет эл қўшиқ ва куйларига рақсга тушишар, дам-бадам ўша ажнабий қўшиқларни талаб қилишарди. Йўл бўйи билагонлик қилиб, укамга мақтаниб келганларим ёлғон бўлди! Уялиб қолдим...

Искандар ОДИЛОВ,
Тошкент шаҳридаги 206-мактаб ўқувчиси.

Гапни гап очар

ТАЪТИЛМИСАН ТАЪТИЛ БЎЛДИ-ДА!

Тошкент шаҳридаги мактаб-лицейларида таҳсил олаётган 50 нафар ўғил-қизга омад кулиб боқди. Улар қишки таътил кунларини Англияда ўтказадиган бўлишди. Саёҳат давомида бу мамлакатнинг диққатга сазовор жойларини, жумладан Тюссо хонимнинг мўмдан ясалган ҳайкаллар музейини, қадимий Тауэр, Виндзор қасри ва Оксфорд, Страфорд — Шекспир ватанига сайр қилишади. Британия миллий тасвирий санъат музейидаги санъат дурдоналаридан баҳраманд бўлишади. Энг муҳими, инглиз тилидан олган сабоқларини амалда қўллаб, мустаҳкамлайдилар.

БАЙРАМ СОВҒАЛАРИ

Янги йил байрами кунлари Муборак тумани «Майманак» қишлоғи аҳолисининг қувончи чексиз бўлди. Қишлоққа табиий газ келтирилди. Қурувчилар 19 километрда юқори босимли, 32 километрда эса паст босимли табиий газ узатиш тармоқлари ўтказиш, газ тақсимлаш станцияларини ўрнатиш ишларини сифатли адо этдилар. Туманнинг «Қачоғон», «Оққанат» қишлоқлари хонадонларида ҳам зангори олов гуриллаб ёниб аҳоли турмушига ўзгача файз бахш этди. Энди бундан болажонлар ҳам хурсанд. Ўтин-кўмир ташиш муаммоси-ю, кул олиш, хонани тозалаш... улар зиммасида эди-да!

* * *

Урганч шаҳрининг аҳоли зич яшайдиган 25-мавзесида янги болалар поликлиникаси қуриб фойдаланишга топширилди. Шифохона энг замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. У урганчлик болажонларга қурувчиларнинг Янги йил туҳфаси бўлди. Муассаса қурилишига Хоразм вилоятининг «Заминбанк», «Ғалабабанк» лари жамоалари ҳомийлик қилишди.

Боғчам — овунар жойим

КЕЙИН БИЛСАК, ҚОРБОБО ЭКАН

Ўша куни худди сеҳрлангандай эдик. «Гулдаста» боғча гимназияси ҳовлисига қадам босдигу ўзимизни худди афсонавий саройдагидек ҳис қилдик. Бир томонда Қорбобо, Қорқиз, Мулла Насриддин, Зумрад ва Қиммат, «Ёрилтош»даги Улоқча, қуйингки, эртак қаҳрамонларининг ҳаммаси бу ерга йиғилганди.

Бир вақт «Шум бола»даги Бўғирсоқ қўлимдан тутганча арча атрофида рақс тушаётган кичкинтойлар даврасига бошлаб борди. Томошабинлар орасида ота-оналар, яқин-атрофдаги мактаблар ўқувчилари ҳам бор эди. Айниқса, меҳмонларга инглиз тилида ўзларини лицей «директорлари», дея таништириб, шеърлар айтиб берган кичкинтойлар жуда ёқди. Куй-қўшиқлар — шеърхонликка, рақслар — спорт беллашувига уланди. Хуллас, барча мириқиб байрам қилди.

Буларнинг ҳаммаси ҳақида ёзишдан мақсадим — қизиқарли арча байрамини уюштирган Қорбобо — боғча мудираси Каримахон опа Нурматовага раҳмат айтиш эди. Ушбу тиниб-тинчимас мураббия раҳбарлигидаги бу масканда 150 бола тарбияланмоқда. 2 та гимназия синфида кичкинтойлар инглиз ва рус тилларини чуқур ўрганишмоқда. Ўқишга болалар танлов асосида қабул қилинади.

Кичкинтойларнинг пухта билим ва тарбия олишлари учун Қува саноат комбинати, дон маҳсулотлари комбинати, туман матлубот жамияти раҳбарлари ва бошқалар ғамхўрлик қилишмоқда.

Устозлардан Фарида опа Исоқова, Марҳабохон опа Рустамова, Зулфизар опа Мадраҳимова, Юлдузхон опа Содиқовалардан ота-оналар ҳамиша хурсанд.

Камола ҚОДИРОВА,
Фарғона вилояти, Қува шаҳар, Надимий кўчаси.

Санъатим — саодатим

ВАТАН МАДҲИНИ КУЙЛАГАНДА

Тенгдошим, қишлоқдошим Акбарали қўшиқ куйларди. Мен мириқиб тинглайман. Айниқса унинг она Ватан, қадрдон Ўзбекистон, меҳрибон оналар ҳақидаги ашулалар жуда ёқади. Овози шу қадар ёқимли, сеҳрлики, кўз ўнгимдан жаннатмакон Ўзбекистонимнинг боғу роғлари, уфққача туташган пахтазорлари, буғдойзорлари оппоқ қорли чўққилари, зилол сувли булоқлари, шарқираган сойларию дарёлари ўтади. Юртимни янаям яхши кўриб кетаман.

Одамлар қалбида юрт меҳрини кўзғата оладиган қўшиқлар ижрочиси Акбарали Ҳолдоров Қува туманидаги 7-мактабнинг 5 синфида ўқийди. Аълочи, одобли, камтар, дўстларига ҳамиша кўмакка тайёр ўқувчи. Ўзи ҳам шеърлар машқ қилади, уларга куйлар басталайди. Ўтган 1996 йил Акбаралининг ҳаёти қувончли воқеаларга бой бўлди. Шулардан бири унинг «Ўзбекистон— Ватаним маним» қўшиқлар кўрик-танловида совриндор бўлганидир. Биз ҳам хушовоз тенгдошимизнинг ўқиш ва ишлари, ижодида равнақ тилаймиз.

Қодир АҲМЕДОВ,
Қува шаҳридаги 9-мактаб ўқувчиси.

Бизни қутлайдилар



(Давоми. Боши ўтган сонда)

Паккос ва Ваккоснинг Янги йил саргузаштлари

Мактаб саҳнаси учун

ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Пўпанак салтанати. Чириган тўнкани эслатувчи сарой. Кўриниши замбуруққа ўхшаш тахт. Ҳамма томонда ўргимчак уясини эслатувчи иплар осилган. Мусиқа фонида Пўпанак ва унинг гумашталари Елимтой, Чилтингтой, Оҳоройлар чиқиб келишади.

ПЎПАНАК: — Мени дерлар ПЎПАНАК,
Минг бир йилги ғирт чўпак.
Ётиб ҳузур қиламан,
Ҳаммасини биламан.
Қимир этганни ерман,
Чунки Пўпанак девман.
Хизматимда ялқовлар,
Лақма, Ваҳма, Анқовлар!
Одоблининг ҳоли вой,
Бир ёнимда Елимтой.
Ўринлатар хизматни,
Вафодорим Чилтингтой!!!

Елимтой бу гаплардан эриб кетиб, ғайритабиий ҳаракатлар қила бошлайди.

ЕЛИМТОЙ: — Ёқтирар мени устоз,
Ишларимиз жуда соз!
Яхши тушса қўлимга,
Равонадур ўлимга!
Ҳозир келса Ваҳима,
Янги йил бўлар қийма!

ЧИЛТИНГТОЙ: — Ҳаммани сен сотарсан,
Устозимга ёқарсан!!!

ЕЛИМТОЙ: — (энсаси қотиб) Овозинг намунча ширали?

ПЎПАНАК ДЕВ: — (тахтига ўтириб) Ҳов, Елимтой! Менга қара, мақтанишинг бутун пўпанакзорни оладию қилган ишингни қара, нега янги йилни Оҳоройга бердинг, а?!

ЧИЛТИНГТОЙ: — Ҳа-я, шуни айтингга...

ЕЛИМТОЙ: — (Чилтингга ўқрайиб). Устоз, у жудаям оппоқ, озода экан, бирам тозаки, бирам одоблики, кўнглинг айнайди. Шунақа тозаларни кўрсам ҳушимдан кетай дейману, сиздан қўрқаман. Агар рухсат берсангиз бошқа гап. Унда бемалол ҳушимдан кетсам ҳам бўларди.

ЧИЛТИНГТОЙ: — Ҳа-я, шуни айт-а!

ПЎПАНАК ДЕВ: — (Ўқрайиб) Менинг ижозатимсиз, ҳушларингдан кетишга, чуқур нафас олишга, қаттиқ йўталишга рухсат йўқ! (Чилтингга) Қара, бор йуғи, шугина дарахтларни чиритибсизлар. Агар қўйиб берсак дарахтлар ўсиб, улғайиб, бизнинг пўпанак салтанатимизнинг об-ҳавосини бузиши мумкин.

ЧИЛТИНГТОЙ: — Ҳа-я, шуни айтинг-а. Улгурармиш!

ПЎПАНАК ДЕВ: — Нима!!!

ЧИЛТИНГТОЙ: — Янги йилгача улгурармиш. Ҳа-ҳа-ҳа! Янги йил келиб бўлди-ю!

ПЎПАНАК: — Овозингни ўчир! Мен сенга ҳозир кўрсатиб қўяман! Менинг буйруғимсиз янги йил кириб бўпти!

ЧИЛТИНГТОЙ: — Вой, кириб бўлдию, кириб бўлдию!

ПЎПАНАК: — (жаҳли чиқиб) Бу ёққа кел! Яқинроқ кел!!!

ФАРМОН: Зим-зиё тун ботқоқлик,
Илвиллаган шалтоқлик.
Қудратига таяниб,
Шундай фармон қиламан!
Жовдиратиб кўзингни,
Роса ургин ўзингни.
Якумак-мак, маку-мак,
Тану-ману, пурунак.

ЧИЛТИНГТОЙ: — (Кўзи ола-кула бўлиб, ўзини-ўзи ура бошлайди)
— Ана бўлмаса, мана бўлмаса! Оҳ-воҳей! Бай-бай-бай! Ўзимга қойил!

ЕЛИМТОЙ: — Бошингга кўпроқ ур, зора яхшироқ овоз чиқса!!!

ПЎПАНАК: — Яхши, яхши, агар менга ёқай десанг, кўпроқ ур, яхшилаб ур! Ҳа баракалла, бу бошқа гап (шу пайт ваҳима қилиб Ваҳима кириб келади).

ВАҲИМА: — Вой-дод! Яна уч-турт марта дод!

ПЎПАНАК: — Нима гап?!

ВАҲИМА: — Вой-дод! Устоз мен ҳалиги анови иккала болани худди айтганингиздай орқаларидан пойлаб бордим. Гумонингиз тўғри чиқди. Улар бизни сотишди. Кейин мен ҳам уларни сотдим. Аёз бобо уларни музлатиб қўйди.

ЧИЛТИНГТОЙ: — Эссиз ширинликлара!

ЕЛИМТОЙ: — Жим бўл! Хўш, кейин нима бўлди?!

ВАҲИМА: — Дард бўлди, бало бўлди! «Моғорлаштириш операцияси» барбод бўлди. Вой-дод!!!

ПЎПАНАК: — Додлама лаънати, моғоримни тўкиб юборяпсан! Гапирчи, кейин нима бўлди?

ЧИЛТИНГТОЙ: — Ҳа-я, шуни айтинг-а...

ВАҲИМА: — Кейин анаву болалар Аёз бобо билан биргаликда Қорқиз кейин анаву қор уюмларини олиб, янги йилни қутқариш учун йўлга тушишди. Ҳаммаси биз томонга қараб келишяпти. Мен сизларга хабар бериш учун бу томонга қараб чопдим. Вой-дод! Айтгандай янги йил қани?

ЕЛИМТОЙ: — (Пўпанакка таъзим қилиб) Устоз, рухсат беринг. Сиз ўзингизни уринтирманг, мен жавоб берай. (Ваҳимага). Уни тозаликдан халос этиш учун Оҳоройга топширдик. Ҳозир у «Кирлаштириш супер фирмаси»да. Вуй-вуй-вуй, ҳаддан ташқари озода экан, қарасанг кўнглинг айнайди-ей!

ЧИЛТИНГТОЙ: — Ҳа-я шуни айтинг-а!

ВАҲИМА: — Жуда соз, уни шундай бежаш керакки, ҳеч ким таний олмасин.

ЕЛИМТОЙ: — Устоз уни ҳозироқ бу ерга олиб келиб, яна лойқа сувдами ёки балчиқдами, яхшилаб чўмилтириш керак.

ПЎПАНАК: — Жудаям ақлсиз фикр. Ваҳима, ҳозироқ бориб Оҳоройга менинг фармонимни етказ. Янги йилни тезда бу ерга олиб келсин! Биз уни бу ерда тезда сафимизга қўшиб оламиз! Сафимиз ҳам кўпаяди. Бундан буён энди сираям янги йил бўлмайди. Қалай?!

(Кулади. Қолганларнинг жимлигини кўриб қўли билан ишора қилади. Ҳамма кулади. У яна ишора билан ҳаммани тўхтатади).

— Менга қара, ваҳима қилиб қўрқитиб юборма. Борақол! Йўқол кўзимдан. Пешонанг қурсин ширин бўлмай!!! (Ваҳима кетади).

ЧИЛТИНГТОЙ: — Бор, йўқол кўзидан, ширин пешона!

ЕЛИМТОЙ: — Устоз, айтинг шу гапирмасин!

ЧИЛТИНГТОЙ: — Ҳоо, ана энди гапирамизда, тўғрими устоз!!!

ЕЛИМТОЙ: — Қаранг-а, кесакдан олов, сувдан суяк чиқиб қолибдими?!

ПЎПАНАК: — Жим бўлинглар! Оҳорим тўкилиб кетади. Салтанатимни гуллатиб юбординглар-ку! Қани ярашинглар! (Иккаласи бир-бирига қараб тиржайишади). Шуям тиржайиш бўлди-ю, бу ғирт ростакам, мана бундай тиржайиш керак (кўрсатади). Қалай?!

ЕЛИМТОЙ: — Вой-додей, ҳушдан кетиб қолиш ҳеч гап эмас.

ЧИЛТИНГТОЙ: — Ҳа-я шуни айтинг-а!

ПЎПАНАК: — Бўлди-бўлди, янги йилни олиб келгунларига қадар бир оз мизғиб олай. Ашулани бошланглар!

ИККАЛАСИ: — Ухланг устоз, аллаё-алла,
Келди ухлаш паллаё-палла!
Ху-хур, Брр-Брр!!!

ПЎПАНАК: — (Сакраб туриб) Шуям овоз бўлдию. Менинг ўгитларим, менинг меҳнатларим самараси шуми? Мана менинг овозимдан ўрнак олинглар. Сираям шираси йўқ, пўпанак босган овоз. Устозим Тўнка ҳофизнинг сабоқлари зое кетмаган. Эшитинглар. О-О-О-О-О!!!

Елимтой ва Чилтингтой мазза қилиб тебранишади.

ЕЛИМТОЙ: — Ангина бўлиб, овозингиз чиқмай қолсин!!!

ЧИЛТИНГТОЙ: — Ҳа-я, шуни айтинг-а!

ПЎПАНАК: — Нималар деб тўнғиллаяпсан? Гапир Елимтой!

ЧИЛТИНГТОЙ: — Гапир, анақа... балога оғайни бўлгур!

ЕЛИМТОЙ: — Устоз, айтинг шу гапирмасин! Устоз, мен овозингиз янада бўғилиб, моғорлаб қолсин деб тилак қилаётувдим!

ПЎПАНАК: — Йўқ, сен менинг овозимни, очилиб ширали бўлиб кетишини истаб қарғаётувдинг!

ЧИЛТИНГТОЙ: — Ҳа-я шуни айтинг-а!

ЕЛИМТОЙ: — Йўғе, ахир устозимсиз!

ПЎПАНАК: - Тўғри айтдинг, устозингман. Шунинг учун ҳам нима деганингни дарров сезаман. Шу пайтгача барча шогирдлар ўз устозларининг оҳорини тўкишган. Сен ҳам бир кун эмас, бир куни менинг оҳоримни тўкасан, буни биламан. Мен ҳам ўз устозим бўлмиш МОҒОРА ЗАНГ ИСГА шундай деганман. Фақат ичимда, сен бўлсанг баралла эшиттириб айтаяпсан. Сенда беҳурматликдан зиғиртча ҳам қолмапти!

ЧИЛТИНГТОЙ: — Усаяптилар! Ишонган Замбуруғлари бордир-да!

ЕЛИМТОЙ: — Кечиринг устоз, бундан буён худди айтганингиздай бўлади. Яна бир марта бизнинг севимли ашуламизни айтиб берсангиз.

ПЎПАНАК: — Хўп майли, Фақат йиғламанглар. Менга-ку йиғлаш мумкин эмас
ҚУЛОҚ СОЛИНГ ЭЙ СИЗЛАР,
ҲАСАДГЎЮ ЭССИЗЛАР.
БУ ҚЎШИҚДУР БИЗНИКИ.
ЭНДИ БУЛАР СИЗНИКИ.
ТАНБАЛЛАРУ ЛАҚМАЛАР.
ЭСИ ЧИҚҚАН ВАҲМАЛАР.
ЭНДИ ЯНГИ ЙИЛ БЎЛМАС,
ПЎПАНАК СИРА ЎЛМАС.
БИЗДАҚАЛАР КЎПАЯР,
СУРБЕТЛИККА БЎЯЛАР.
БОЛАЛАРНИ ОВЛАСАК,
МИЯЛАРИН ҒОВЛАТСАК.
ЎЗИМИЗДАН БЎЛАДИ.
САФЛАРИМИЗ ТЎЛАДИ.

(Уччаласи хурсандчиликдан ўйинга тушиб кетишади).

— Қалай режам маъқулми? (залдаги болаларни кўрсатиб). Буларни ҳам алдаб, ўзимизга қаратиб олсак, яна ҳаммаси аввалгидек ўзимизники бўлади. Янги йилни тезроқ олиб келинглар!!! Сарой олдида анаву болаларни кутиб олиб адабини беринглар. Аёз бобони бу ёққа киритманглар! Қани ҳамма жой-жойига. (Ўйин, рақслар билан саҳна секин қоронғилашади). (Саҳна ўзгариб қор парчалар пайдо бўлишади).

Парда
(Давоми бор)

Кутубхона — нурхона

ЭНГ ҲУЗУРЛИ, ЭНГ ГЎЗАЛ ЮПАНЧ

«Китоб ўқиш энг ҳузурли, энг гўзал юпанчлардан бўлгани каби зеҳнни орттирмак, илму маърифат ҳосил қилмак, хуллас илму таъриф ўрганмак учун жуда керакли ишлардан биридир». Ушбу сўзларни мен таниқли турк олими Алий Назимонинг «Қизлар тарбияси» китобидан келтирдим. Бу ажойиб китобни менга кутубхоначи опамиз Бибисора опамлар танлаб берган эдилар. Дарвоқе унда китоб танлаш ҳақида ҳам ажойиб сатрлар битилган. «Зеҳнларимизни тузатган, керакли ишларимизни бизларга билдирган ва сездирган, бизни кўркам хулқ эгаси бўлишга ундайдиган китоб яхши китобдир...». Кутубхонамиз ҳақида гапирадиган бўлсам, нурхонамизда кўпгина китоблар борлиги учун унга анчагина мактабдошларим, хусусан Шокир Қодиралиев, Ҳалима Ваҳобова, Зулайҳо Мўминова, Қодир Аҳмедовлар энг фаол аъзолардир.

Мақоламнинг охирини яна ўша севимли муаллифимнинг қуйидаги сўзлари билан якунламоқчиман. «Муаллифнинг илми адаб ва ахлоқда ўрнак олишга ярарлик бўлган асарларини ўқингиз, уни санаб тугатиб бўлмас кўп фойдалари бордир».

Гулчеҳра ҚУРБОНОВА,
Фарғона вилояти, Қува шаҳридаги 17-мактаб ўқувчиси.

Таътилни ким қандай ўтказаяпти?

ТОНГГИ РИЗҚ

— Таътилни ухлаб ўтказмаларинг, эрта-эрта туринглар. Ризқларинг бутун бўлади. Чарчасаларинг, туш вақти бирпас мизғиб оларсизлар. Кеча нечада турдиларинг?

— Мен 11да, Нигора 12да.

— Вой-вуйй... Келаётган ризқларингни қийиб-а. Бугундан бошлаб 6 дан кеч қолиш йўқ, — деди Темур ва Нигорага ойиси. Дарвоқе, танишинг: Темур Мамадаминов Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек номидаги 49-мактабнинг 3-синф ўқувчиси. Опаси Нигорахон эса шу мактабнинг 5-синф ўқувчиси.

Ярим кечаси Темурнинг уйқусираган овози эшитилди: — Ойи, ойи, туринг, турақолинг, соат икки ярим бўлибди, ризқимизни ўзимизга қайтариб оламиз.

— Ёт,ёт, ухла, ҳали эрта-ку, Темуржон. Ётақол. э -э, сен ҳам турдингми, қизим? Ётинглар, ҳали эрта.

Табиийки, азон вақти Темурнинг ҳам, Нигоранинг ҳам туриши қийин бўлди.

— Тур, Темуржон, тур болам, тур.

— Нигора, турақол.

Темур дедики: - Э, ойижон, ҳали тур дедингиз, турдим. Кейин, ёт дедингиз, мана ётибман. Ўша гапингиз бўйича яна ётақолай...

Бир кўзи очилиб, бир кўзи очилмаётган Нигора ҳам Темурнинг гапини тасдиқлагандай, у ёнига ағдарилди.

— Турларинг, «Тонг юлдузи» газеталаринг келибди, ўқийсанлар. Мана бу қизиқ китобни ҳам сизларга олиб келгандим.

Темур ҳам, Нигора ҳам ўринларидан ирғиб туриб, юзларини ювишга шошилишди.

Шубҳасиз, шу куни «Тонг юлдузи»да ўқиладиган хушхабару, қизиқ-қизиқ лавҳалар ҳам, янги китоб ҳам болаларнинг ризқлари эди.

Бизни қутлайдилар



Етти хазина

САРИҚ, МОМИҚ ЖЎЖАЛАРИМ...

Ўтган йили туғилган кунимга дадам патлари сап-сариқ, жўжалар олиб келганларида роса қувонгандим. Лекин севинчим узоққа чўзилмади. Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас жўжаларимдан бирининг тоби қочиб қолди. Овқат у ёқда турсин, сувга ҳам қарамай қўйди. Елкасини қисиб, қанотларини осилтириб турди-да, ўлиб қолди. Бирин-кетин қолганлари ҳам нобуд бўлишди. Уларга жуда ўрганиб қолган эканман, аламимдан кўзларимга ёш келиб кетди. Ҳолатимни кўриб ойим далда бердилар: «Парранда боқишнинг ҳам ўзига яраша йўл-йўриқлари бор. Бирон бир тўгаракка аъзо бўлсанг, яхши бўларди».

Шу кунеқ дарсдан кейин дўстим Нодир Содиқов иккимиз вилоят ёш табиатшунослар марказининг паррандачилик тўгарагига аъзо бўлдик.

Шундан буён тўгаракнинг фаол аъзолариданмиз. Тўгарак раҳбаримиз Манзура опа Аҳмадалиевадан паррандаларнинг ҳар -хил турлари ва зотларини парваришлаш, сунъий равишда жўжалар очириш йўлларини ўрганиб боряпмиз. Парваришимизда товуқларнинг Кохинхин, Плимутрук, Ротайланд, рус оқ товуғи, маҳаллий товуқ зотлари, япон, ҳамда Цесарка каби жаъми 7 хил зотли товуқлар бор. Бундан ташқари ўзимиз тайёрлаган сунъий инкубаторга товус, қирғовул каби қушларнинг тухумларини қўйиб , доимий навбатчилик асосида фенологик кузатишлар олиб боряпмиз. Натижалар ёмон бўлгани йўқ. Рус оқ товуғи ва бошқа зотларнинг тухумидан 20-21 кунда, товус ва куркадан 27-29 кунда, қирғовуллардан 24-25 кунда жўжалар очирдик. Бу фенологик кузатишлар орқали паррандалардан турли муддатда жўжа очириш мумкинлигини амалда синаб кўрдик.

Жўжаларимизни парваришлаб, туман, шаҳар ёш табиатшунослар марказларига совға қилдик.

Эришилган ютуқларимиз билан чекланиб қолмай, паррандаларнинг янгидан-янги, ноёб турларини кўпайтириш устида изланяпмиз. Уйда ўзим парваришлаётган паррандаларимнинг сони ҳам, тури ҳам анча бўлиб қолди.

Қаҳҳор АЛИМОВ,
Андижон шаҳар, 132-мактабнинг 7-синф ўқувчиси.

Қиш қувончлари

САВОДХОНЛИК БАЙРАМИГА ҚОРБОБО КЕЛДИ

Саводхонлик байрами узга сайёрадан учиб келган Роботнинг саҳнага қунишидан бошланди. «Мен Ер сайёрасига қундим. Бу ерда қандайдир «Алифбе» байрами бўлишини хабар қилишган эди, — дейди у ён-верига аланглаб, — лекин, ҳозирча ҳеч гап йўқ. Қабулга утаман». «Бир оз сабр қилиб тур, — деган овоз келади саҳна ортидан, — Ҳозир бошланиб қолади. Унг ёнингга қара, уқувчилар келаётирлар, ушалардан сураб кур». Робот уларга байрамга қатнашмоқчилигини айтади. Шунда болалар Роботдан «Лотин ҳарфини биласанми?» — деб сурашади. «Мен миллион йил илгари уқиганман, — дейди Робот бунга жавобан. — У вақтларда ҳарфлар урнида ҳар хил чизиқчалар буларди. Санашни эса калькуляторда санайман. Бармоқ билан санашни билмайман». «Биз ҳамма ҳарфларни биламиз, — дейди болалардан бири. — Лотин ҳарфларини бир-бирига қушиб уқий оламиз, хоҳласанг, сенга ҳам ургатиб қуямиз».

Шу пайт шоҳона кийинган, қулида китоб кутариб Зебунисо кириб келди, у болаларга эътибор бермай китобни уқишда давом этди, болалар унга ажабланиб қараб қолишди.

Зебунисо: — Менинг офтобим ҳам китоб, бахтим ҳам китоб, ҳатто жаннатим ҳам китобдир. Ҳа, китоб илм чироғи, унинг нури илә одам ақли тиниқлашади. Китоб уқиган одам ҳеч қаерда қийналмайди.

У тухтаб, болаларга кузи тушади ва ҳайрон бўлиб сурайди:

— Сизлар кимсизлар, чироғларим? Бу ерда нима қилиб юрибсизлар?

— Биз саводхонлик байрамига келаётирмиз. Бугун лотин алифбосини уқиб тугатганимизни нишонлаймиз. Бу Робот эса, ўзга сайёрадан байрамимизга келибди. Узингиз кимсиз? Қўйлакларингиз намунча чиройли?

— Бу малика ҳам олис ўтмишдан келганга ўхшайдилар, — дейди Робот. —Тўғрими?

— Жуда тўғри, чироғим, — дейди малика. — Мен ҳам жуда узоқ тарих саҳифасидан тушганман. Ҳиндистонда ҳукм сурган темурийзодалардан машҳур Мирзо Бобурнинг чевараси Абу Зафар Муҳиддин Аврангзеб Оламгирнинг қизи Зебунисодирмен.

— Ие, Сиз Зебунисо бегиммисиз? Мен сизни танийман, — деб мамнун ҳитоб қилди уқувчи қиз. — Мактабимиз Сизнинг номингиз билан аталади, ичкарига кираверишда катта суратингиз ҳам осиглиқ турибди, ишонмасангиз бориб кўришингиз мумкин.

— Шундайми? — дея ўйга толди малика ва ўзича қушиб қўйди, — келажак авлодлар китоб шайдоси бўлган шоирани унутмасликларини билардим. Шунинг учун ҳам бугун умримни илм ила шеъриятга бағишлаган эдим....

— Маликам, сизни учратганимиз яхши бўлди. Биз билан бирга саводхонлик байрамига юринг. Ҳамма сизни кўрганидан хурсанд бўлади...

Ранг-баранг кийинишган болалар саҳнада саф тортишди. Уларнинг қаторига Зебунисо, Робот ва бошқа меҳмонлар ҳам келиб қушилишди. Жажжи уқувчилар устозларини ва ота-оналарини табриклашгач, Алифбе байрами бошланди. Лотин ҳарфларини бошларига «тож» қилиб кийиб олган кичкинтойлар биридан донороқ бўлиб сўзлашга ҳаракат қилишарди.

Болалар ҳар бир ҳарфга таъриф бераётганларида ора-орада турли қушиқларни ижро этишди. Кичкинтойлар гоҳ қуён, гоҳ айиқ бўлиб уйинга тушишди.

— Мен ҳали ҳам лотин алифбосини билмас эканман, — деди Робот ролини қойил-мақом қилиб ижро этган 7-«В» синф уқувчиси Муҳаббат Исроилова — Агар мени ҳам сафларингизга олсангиз, жон-жон деб лотин ҳарфларини урганган булардим...

Сунг Феруза опа Зебунисо ролини бажараётган 10-синф уқувчиси Муножот Файзиевага мурожаат қилди: — Шогирдларингиздан розимисиз, маликам?

— Шундай шогирдларим борлигидин беҳад хурсандмен. Байрамингиз бағоят мазмунли ва қизиқарли ўтмоқда. Наврўз арафасида сизлар билан махсус учрашув ўтказамиз, ушанда ўз тарихимдин гапириб берурмен, ғазалхонлик қилурмиз, омон бўлинглар, чироқларим!

Шу пайт саҳна ўртасидаги чиройли қилиб безатилган арча чироқлари ранг-баранг нур сочиб, чарақлаб кетди. Мусиқа садолари янгради. Қорбобо (10-«А» синф уқувчиси Отабек Қобулжонов) ва оппоқ қўйлакларини ялтиратиб Қорқиз (7-«В» синф уқувчиси Дурдона Тулаганова)лар совға-саломлар билан кириб келишди. Арча атрофида турли қушиқлар куйлаб, шеърлар айтилди. Шундан кейин болалар орасида мусобақалар бошланди. Пуфакни игнасиз ёриш, тез айтиш, топишмоқлар жавобини топиш уйинлари жуда қизиқарли ўтди. Болаларнинг билимларини синаш мақсадида «она, «ота», «Ватан», «устоз», «Ўзбекистон», «мустақиллик» каби сўзларни ким хатосиз ёзиши текшириб кўрилди. Шунингдек ҳисоблаш уйинлари ҳам ҳамманинг диққатини ўзига тортди.

Наримон ОРИФЖОНОВ,
Тошкентдаги
236-мактаб.

ЧОЙ ИЧИШ ОДОБИ

Тоза, тиниқ сув ичишга одатланинг, муз ва қор сувларини ичишдан сақланинг. Терлаган вақтингиз—да совуқ сув ичманг. Яхши ва тоза сут катта ва кичиклар учун ҳазми енгил ичимликдир. Кўпроқ сут ичиб туринг.

Ичкилик ҳар хил касалликларни келтиради. Ўлимга сабабчи бўлади. Бундай ичимликлардан сақланинг. Бу ярамас нарсани истеъмол қиладиганлар билан ҳатто дўст ҳам бўлманг, улар билан ошначилик қилманг.

ТАОМ ЕЙИШ ОДОБИ

Овқат ейиш олдидан, албатта, қўлларингизни ювинг ва яхшилаб артинг.

Ёши сиздан катта кишилар бўлса, улардан юқорига чиқиб ўтирманг.

Овқатланаётган вақтда одобга риоя қилиб ўтиринг. Очкўзлик қилиб кўп ейишга одатланманг. Кўп овқат ейиш саломатликка зарарли эканлигини яхши биласиз.

Яхши пишмаган емишларни еманг, ёз кунлари ёғли овқатлар ейишдан сақланинг.

Вақти—вақти билан овқатланишга одатланинг, овқатланишга майлингиз бўлмаса, ўзингизни зўрлаб еманг.

Овқатланганингиздан кейин олма, анор, беҳи, узум каби мевалар ва турли сабзавотларни истеъмол қилинг.

«ЗЕБРА» ТОРТИ

Сирли идишга бир пиёла сметана ёки қатиқ солиб, бир пиёла шакар билан яхшилаб купиртирилади. Бошқа идишга 3 дона тухум чақиб, 1 чой қошиқ истеъмол содаси билан купиртирилади. Иккаласи аралаштирилиб, бир пиёла ун қушилади. Тайёр бўлган хамир иккига булиниб, яримига какао қушилади. Ёғ суртилган товага бир қошиқдан навбатма-навбат қуйиб, қиздирилган газ духовкасида ўртача оловда пиширилади. Тортнинг устига бироз крем суртиб, ёнғоқ мағзи билан безатилади.

САБЗИ ВА ЁНҒОҚ САЛАТИ

Сабзини артиб, қиргичнинг йирик томонидан ўтказамиз. Майдаланган ёнғоқ мағзи, майонез, ҳамда таъбга кўра туз қушиб аралаштирамиз. Тайёр салатимизни ликопчаларга солиб, дастурхонга тортамиз.

Сабзи ва ёнғоқ салатини тайёрлаш учун 4 дона сариқ сабзи, 10-12 дона ёнғоқ мағзи, 1 та майонез ҳамда таъбга кўра туз керак бўлади.

МИЛЛИАРД

Сизлар «Миллиард» деган сўзни тез-тез ишлатиб турасиз. Лекин бу миллиардни нақадар буюк рақам эканини ўйлаб кўз олдингизга келтирмаган бўлсангиз керак.

Агар миллиард нафар одам қатор бўлиб саф тортса, бу сафнинг узунлиги ойга қадар етиб, ундан ҳам ўтиб кетади.

Миллиард дона бир сўмлик қоғоз пулни устма-уст қўйиб чиққанингизда бу пулнинг қалинлиги 153 километр бўлар эди.

Бир миллиард минут ўн тўққиз асрдан ҳам ошиқ. Американи Христофор Колумб томонидан Америка очилганига ниҳояти чорак миллиард минут бўлибди.

Бир мililиард секунд 31,7 йил булади. Ўртача ҳаёт кечирган одамнинг умр кўриши икки миллиард секундга тўғри келади.

Миллиард папирос донасини ёнма-ён қўйсангиз 4.500 километрни эгаллаши мумкин.

Миллиард варақли китобнинг оғирлиги 1.500 тонна бўлар эди. Унинг қалинлиги эса 50 километрга чўзилади....

Миллиард варақли китобни уқиб чиқишга улгуриш учун 30 минг йил сарф қилиш керак.

Ана шу миллиард варақли китобни бўлак-бўлак қилиб олиб келиш учун юкчи вагон состави ва тортиш учун зўр кучга эга бўлган паровоз лозим булади.

Башарти сиз миллиардгача санамоқчи бўлсангиз уринмай қўяқолинг... Чунки, миллиардни санаб чиқиш учун 500 йил керак бўлади. Агарда стол устига бармоғингиз билан тез-тез уриб санаганингизда ҳам 30-йилдагина санаб улгуришингиз мумкин.

М. ҲАСАНОВА тайёрлади.

«РАҚАМЛАР» КРОССВОРДИНИНГ ЖАВОБИ

4	0	7	3	4	1		2	6	8	3	2	0
9	▨	2	▨	5				1	▨	0	▨	4
6	8	0	▨	1				3	▨	9	5	1
3	▨	▨	▨	5	4	7	6	8	▨	▨	▨	9
7	3	2	1	▨	▨	4	▨	▨	9	0	5	4
3			6	▨	▨	1	▨	▨	2			2
			4	3	4	7	6	0	6			
1			2	▨	▨	0	▨	▨	3			5
9	2	3	7	▨	▨	6	▨	▨	2	1	8	1
3	▨	▨	▨	8	3	5	1	6	▨	▨	▨	2
2	1	3	▨	1				7	▨	4	1	1
1	▨	5	▨	5				8	▨	3	▨	9
6	8	1	2	6	1		7	1	0	6	0	2



ТОНГ ЮЛДУЗИ
Муассислар:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚЎМИТАСИ

Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА

Таҳрир ҳайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Омон МАТЖОН,
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,
Марат ШАФИЕВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ
Буюртма — Г -018.
9036 нусхада босилди.
Қоғоз бичими — А-3.
Босишга топширии вақти 19.00
Топширилди — 18.30

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137
Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Нашр кўрсаткичи: № 64563
Телефон: 33-44-25

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

1 2 3 4 5 6